

Boqiy fikr

Ishga yangicha yondashish,
oddiy odamlarning dardi va
tashvishi bilan yashash,
fidoyilik va jonkuyarlik
ko'satish ijro hokimiyatining
barcha bo'g'indagi rahbar va
mutasaddilar faoliyatining
asosiy mezoniga aylanishi
zurur.

Shavkat MIRZIYOYEV



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT

XALQ ZIYOLILARI GAZETASI

معرفت

1931-yildan chiqsa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2017-yil 29-noyabr, chorshanba № 95 (9056)

ТАЛАБЧАНИЛКИ, ТАРТИБ-ИНТИЗОМ, МАСЪУЛИЯТНИ КУЧАЙТИРИШ – ИСЛОҲОТЛАР МУВАФФАҚИЯТИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Раислигига 28 ноябр куни Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини таомиллаштириши ва иш самародорлигини ошириш, Баш вазир ва унинг ўринbosарлари, департаментлар мурдлари, вазирлар, кўмита ва компаниялар раисларининг шахсий масъулиятини кучайтириши билан багишлган юйилиши ўтказилди.

Юйилишда Баш вазир ва унинг ўринbosарлари, Президентнинг давлат маслаҳатчилари, вазирлик, идора ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари иштирок этди.

Юйилишда Президентимиз кайт этигандек, бугунги кунда ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида кенг кўламли ислоҳотлар изчил амалга оширилмоқда. Халқимизнинг фидокорона меҳнати билан ижобий самараларга эришилмоқда. Шу билан бирга, аҳолини безовоз килаётган кўпгина муаммо ва камчиликлар ҳам ўз ечи мини кутиб турибди. Одамларимиз эртага ёки узок келажак эмас, балки бугун яхши яшашни, муносаб ҳаёт кечиришни истайди. Шунинг учун биз олиб бориляётган ислоҳотларни жадаллаштиришимиз, уларнинг сифати ва самародор-

лигини янада оширишимиз зарур, деди давлатимиз раҳбари.

Шавкат Мирзиёев ўз сўзида кун тартиbidagi масалага чукур таҳдил асосида тақнид ёндашиб, асарият раҳбарлар томонидан тартиб-интизом ва масъулиятин бўшаштириб юборилгани, улар ўз фаолиятини замон талаблари асосида ташкил эта олмаётгани, хизмат вазифасига лоқайдилар ва бепарвонли билан муносабатда бўлаётгани каби холатлар умумий таънижадорликка салбий таъсир кўрсатаётганини таъкидлади.

Мана, яқинда иш фаолиятимизга бир йил тўлади, ахолимиз, бизга катта умид ва ишонч билдирган халқимиз олдида амалий ислоҳотимиз билан ҳисоб берадиган вақт келди. Ишга янгича ёндашиб, оддий одамларнинг дарди ва ташвиши

билан яшаш, fidoyilik va жонкуярлик кўрсатиш ижро хокимиyatining барча бўгинданги раҳбар ва мутасаддилари фаолиятингин асосий мезонига айланishi зарур, деди Президентимиз.

Очиқ тан олиш кераки, биз ўз олимимизга кўйган, эл-юртимиз кутаётган натижаларга ҳали тўла эриши олганимиз йўқ. Бу борадаги ишларни фаоллаштириш, янги босқичга кўтариш мақсадида 27 ноябр куни "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини таомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Президент карори кабул килини.

Ушбу қарорга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Баш вазiri ўринbosарлари, ҳукumat аппарати таркибий бўлинмалари раҳбарларининг самарали ва натижали ишни таъминлаш, уларнинг шахсий масъулиятини кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмаси қўйта шакллантирилиб, янги комплекслар ва вазирлик ташкил этилади.

(Давоми 2-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БИРИНЧИ
ПРЕЗИДЕНТИ, БУЮК ДАВЛАТ ВА СИЁСАТ
АРБОБИ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВ
ТАВАЛЛУДИННИНГ 80 ЙИЛЛИГИНИ
НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА**

бунёд этилган мақбара мажмуасини очиши;

Карши шаҳрида Ислом Каримов хотирасига бағишлаб ҳайкал ўрнатиш ва тантанали очилиш маросими ни ўтказиш;

"Ўзбекино" Миллий агентлиги томонидан Ислом Каримов ҳаёти ва фаолияти хакида ҳужжатли фильм яратиш;

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан "Ўзбекистон" нашриётматбаа ижодий уйидаги "Ўзбекистон Республикаси"нинг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуаси, Ислом Каримов номидаги Республика хайрия жамоати фонди, Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда кенг жамоатчиликнинг Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш (кейинги ўринларда юбилей тадбирлари деб аталади) тўғрисидаги таклифи мавзуллансан.

2. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш бўйича ташкилий кўмита (кейинги ўринларда Ташкилий кўмита деб аталади) таркиби иловага мувофиқ тасдиqlансин.

3. Ташкилий кўмита ушбу санани нишонлаш бўйича тадбирлар режасини иккى ҳафта муддатда ишлаб чиқсин.

Тадбирлар режасида куйидагилар назарда тутилсин:

2018 йил январь ойида Самарқанд шаҳрида Ислом Каримов хотирасига атаб

(Давоми 2-бетда.)

Фаол ва изланувчан олимлар тақдирланди

Пойтахти-
мизда жаҳон
илем-фани
ривожига
муносаб ҳисса
кўшаётган
фаол ва изла-
нувчан олим-
ларни тақдир-
лаш маросими
бўлиб ўтди.



лари ва илмий-тадқиқот муассасалари раҳбарлари, илмий ходимлар, профессор-ўқитувчилар, ёш олимлар қатнашди.

(Давоми 3-бетда.)

Болалар адабиёти – ҳелажак адабиёти!

Шу ўринда болалар адабиёти билан шугулланмоқчи бўлган ука-сингилларимга бир гапни айтиб ўтмоқчиман: болаларни тинглаш керак...

Сабабсиз дарс
қолдираётган ўқувчи
фаол таълим жараёнига
қайтарилимоқда

5-бет

8-9-бетлар

11-бет

«2» кўйган айбордоми ёки...
бажро олган?

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
Қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ
БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ, БУЮК ДАВЛАТ ВА
СИЁСАТ АРБОБИ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ
КАРИМОВ ТАВАЛЛУДИННИГ 80 ЙИЛЛИГИНИ
НИШОНЛАШ ТҮГРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

2018 йилнинг 1-чорагида "Ислом Каримов хотирасига бағишинланган энг яхши иммий оммабоп мақола" танловини якунлаш ва унинг голибларини тақриллаш;

тахлими мусасасалари, ҳарбий қисмлар, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда танили адиб ва олимлар, тури соҳа мутахассислари иштирокида ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти хотирасига бағишинланган учрашувлар ташкил этиш.

4. Ислом Каримов номидаги Республика хайрия жамоат фонди томонидан "Ислом Каримов — мустақил ўзбекистон асосчиси" китобальбоми нашрга тайёрлангани маълумот учун қабул қилинсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги юбилей тадбирларида хорижий меҳмонлар, олимлар ва эксперлар иштирокини таъминлашда хамда уларга республикага кириш визаларининг консулилар ва бошқа йигимлар ундирилмасдан расмийлаштирилишида амалий ёрдам кўрсатсин.

6. "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси, "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти юбилей тадбирларида тақлиф этилган хорижий

мехмонлар учун республика ички катновларига йўл чиптларини банд қилиш ва сотиб олиш, уларни мамлакатимиздаги ҳалларга аэропорт ва темир йўл вокзаларининг VIP заллари орқали кути олиш ва кузатишни таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги юбилей тадбирларини ўз вақтида ва ушоқолик билан ўтказиш учун зарур маблаф ажратсан.

8. Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Конғаси, вилоятлар Тошкент шаҳар ҳокимларини ушбу қарорнинг 3-бандида назарда тутилган юбилей тадбирларини ўтказиш бўйича зарур ташкилий чора-тадбирларни икки хафта муддатда ишлаб чиқсан ва уларнинг ўз вақтида амалга оширилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига юбилей билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш ўзбекистон Республикасининг Баш вазири А.Арипов ва Ўзбекистон Республика Президентининг давлат маслаҳатчиси Х.Султонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2017 йил 27 ноябрь

Ш.МИРЗИЁЕВ

"Ёшлар поезди" Сурхондарёда

Сурхондарё вилоятида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташаббуси билан Конституциямиз қабул қилинганинг 25 йиллигига бағишиб "Ёшлар поезди" тарғибот акцияси ўтказилди.

Президентимизнинг 2017 йил 5 июнда "Ёшларга оид давлат сиёсати самараордлигини ошириши ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини кўллаб-куватлаш түгрисида"ги фармонига мувофиқ ўтказилган акция ўйнеклизларни мамлакатимиздаги юз берабётган ўзгариш ва янгалиншлар билан яқиндан танишириш, уларда юрт таракқиётига дахлорлик түйгусини мустаҳкамлаш, ижтимоий ҳимояга мухтоҳ оиласлар ва ногиронларни кўллаб-куватлаша хизмат килимокда.

Таникли олимлар, кино ва театр актёrlари, спортчилар, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаоларидан иборат тарғибот гурухи аъзолари вилоят маркази ва туманларда, олис ва чекка худудларда, олис ва чекка худудларда,

да бўлиб, аҳоли, жумладан, ёшлар билан учаради. Дилдан мулокот қилиб, мамлакатимизда эришилаётган улкан ютуқлар, тинч, обод турмуш ва ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол улгайши учун замонавий шароит яратишида Конституциямизнинг алоҳида ўрни борлигини ҳайтӣ мисоллар билан тушунтириб берди. Таълим мусасасалари, ҳарбий қисмларда ёшларнинг изланиш ва интилишлари билан қизиқиди.

Бойсун туманиндағи 6-мувиқида ва санъат мактаби, Бойсун агросаноат касбхунар коллежида бўлиб ўтган очик мулокотлар иштирокчиларда катта таассурот қолдириди. Тоғли туман ёшлари яратиб берилсаётган ютуқларни тинглаб, саволларига жавоб бердик.

итлар уларда Ватангана мухаббат, миллий қадриятларни мизга хурмат түйгусини янада юксалтираётгани хамда обод ва озод ўзбекистонга муносиб фарзанд бўлиб улгайшига давват этаётганини ўзгача фарҳ билан таъқидиди.

- Бойсунлик тенгдошларимда тоғли ҳудудга хос шижоат ва қатъият борлиги, уларнинг теран фикрлаши мени ҳайратга солди, - дайди Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек

тили ва адабиёти универсиитети таълабаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаоли М.Ҳабибулаев. - Уларнинг савиими түйгулари, излашиллари ҳар қанча таҳсинга лойик. Улар мақсад ва интилишларига эришиши учун озигина турткы керак, холос.

Вилоятнинг бошқа ҳудудларидаги ёшларнинг орзу-интилишлари ҳам бизда катта таассурот қолдириди. Тадбирларда йигит-қизлар эришаётган ютуқларни тинглаб, саволларига жавоб бердик.

Дуч келаётган муаммолари ни биргалиқда ечиш чораларини кўрдик.

Шундай очик мулокот ва Асосий қонунимизнинг мазмун-моҳиятига бағишинланган тарғибот тадбирлари Термиз шаҳри, Узун, Сариосиё, Денов, Олтинсой, Шўрчи, Кизирик ва бошқа туманларда ҳам бўлиб ўтди. Таълим мусасаларида "Китоб тарғиботи" акцияси ўтказилиб, китоблар тўпламлари топшириди. Ҳарбий қисмлардан бирида Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг бошлангич ташкилоти тузилди. Туманларда имконияти чекланган ёшлар, якка тартибида таълим олаётган ўкувчилар ҳолидан хабар олиниб, маънавий кўллаб-куватлашди, кизиқарли бағдий китоблар совфа қилинди. Термиз шаҳридаги 12-Меҳрибонлик ўйига совфа-саломлар берилди.

Х.МАМАТРАЙИМОВ,
ЎЗА мухабри



ТАЛАБЧАНЛИК, ТАРТИБ-ИНТИЗОМ, МАСЬУЛИЯТНИ КУЧАЙТИРИШ – ИСЛОҲОТЛАР МУВАФФАҚИYАТИНИ ТАЪМИЛASHНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИДИР

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Карорга биноан Вазирлар Маҳкамаси тузилмасига Ўзбекистон Республикаси Баш вазирининг ўринbosari – Инвестициялар, инновацион ривожлантириш, эркин иктисодий ва кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш, туризм масалалари комплекси, Ўзбекистон Республикаси Баш вазирининг ўринbosari – Таълим, соғлиқи саклаш, экология, атроф-муҳитни муҳофоза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт масалалари комплекси раҳбарлари лавозимлари киритилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Инновацион ривожлантириш вазирлиги ташкил этилди.

Бизнинг саҳоватли замонимиз ерости ва ер усти бойликларига, инсон ресурсларига, билимли ва юқори маҳакамаларни амалиётга кенг жорий этиши билан узвий боғлиқ эканини таъқидлади. Ва айни шу масадада Ўзбекистон Республикасининг Инновацион ривожлантириш вазирлиги ташкил этилганга aloҳида тўхталиб ўтди.

Бизнинг саҳоватли замонимиз ерости ва ер усти бойликларига, инсон ресурсларига, билимли ва юқори маҳакамаларни амалиётга бой. Лекин, афуски, биз мана шундай улкан салоҳиятимиздан унумли ва самарали фойдалана олмаяпмиз, деди Шавкат Мирзиёев.

Ийилишда иктисодиёт соҳа ва тармокларининг барқарор ривожланшини таъминлаш, жумладан, катъий пулвалоти сиёсатини юритиш, эркин иктисодий ва кичик саноат зоналари фаолиятини кучайтириш, хорижий инвестицияларни кенг жалб этиши, замонавий саноат корхоналари барпо этиши, янги иш ўринлари яратиш, маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтириш, самарали солик сиёсатини шакллантириш, бюджет маблагларидан максади фойдаланиш, давлат статистики тизимини такомиллаштириш каби масалалар атрофличка муҳокама килинди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари таълим, соғлиқи саклаш, туризм, экология ва атроф-муҳитни муҳофоза қилиш, маданият ва санъат, жисмоний тарбия ва спорт, ёшлар ва хотин-қизлар масалалари билан боғлиқ вазифаларга ўтибор қаратди.

Йиғилишда Президентимиз жорий ийilda амала оширилган ишларни чукур таҳлил қилиш асосида эришилган ютуқларни янада мустаҳкамлаш, йўл кўйилган камчиликларининг таҳорламаслиги учун барча зарур чораларни кўриш, айни пайтада 2018 йилнинг биринчи чорагида бажариладиган аниқ вазифалар бўйича тегишилларни таъминлаштириш таҳсинга ўзи такозо этилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистонни ҳар томонлама ривожлантириши, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш масаласи биринчи навбатда илм-фан, юқсак технологи-

ЎЗА

Ёшлар – келажак бүнёдкори

Ёшлар тарбияси барча замонларда ҳам энг муҳим, инсоният келажагини белгиловчи масала бўлган ва шундай бўлиб қолади. Шу боис мамлакатимиизда ёшлар камолоти масаласига алоҳиди эътибор қаратилмокда.

амалга ошириш белгиланган. Бугунги кунда Ўзбекистонда тарихий ўзарисишилар, тъбир жоиз бўлса, илгари мисли кўримлаган ислоҳотлар жарёнин чекмочоди. Жамиятимизда амалга оширилаётган ислоҳотлардан кўзланган мақсад — "Инсон манфаатлари хамма нарсадан устун", деган олиjanоб тамоили устувор бўлган демократики давлат ва адолатли жамият барпо этишдир. 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ри воjлентиришинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегигиси ислоҳотлар самараదорлигини янада ошириш, давлат ва жамиятни хар томонлами ўйғун ва жадал ри воjлентириш учун шароит яратиш, барча соҳаларни монандишишади.

дернизация күлиш ва эркинлаштиришдек мақсадларга хизмат килаётir.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан бошланган икътисодий сиёсат замирида "халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади", деган ёндашув ётган, айникса, оддий одамлар қалбидагунидан шукronали, эртанин кунга ишонч туйгусин мустахкамламоқда. Негаки, ҳар бир инсон яхши яшаш, орзу-хавас кўриш, меҳнатига яраши даромад топиш учун иш шароитига эга бўлишини хоҳлади. Демак, улар, албатта, шундай табиий истак ва интилишни сиёсат даражасига кўтагран шахс ва давлатни кўллаб-куватлайди.

 Yoshlarga oid davlat siyosati – amalda

Президентимизнинг 2017 йил 5 июлдаги „Ёшларга оид давлат сиёсати самараодорлигини ошириш ва ўзбекистон ёшлар итифоуи фаолиятини кўллаб-куватлаш тўғрисида“ ги фармони ва 18 июлдаги „Ўзбекистон ёшлар итифоуи фаолиятини такомиллаштиришга доир комплекс чоратадбирлар тўғрисида“ги қарори асосида ёшларнинг хукуқ ва манфатларини химоя қилиш, уларни ҳар томонлама кўллаб-куватлаш ва рағбатлантириш максадида Навоий кон-металлургия комбинатидаги ўзбекистон ёшлар итифоуи

лар ва жиҳозлар“, Ноёб ва радиоактив металлар рудаларины қазиб олиш, қайта ишлаш техникиаси ва технологияси“ каби йўналишлар учун кафедра Филиаллари ташкил этилди. „Навоийзот“ акциядорлик жамиятида „Кимёвий технология“ кафедраси, „Навоий иссиқсиёз электр станцияси“ акциядорлик жамияти ва „Навоий худудий электр тармоқлари корхонаси“ акциядорлик жамиятида „Электр энергетика“ кафедраси филиаллари очилди. Би ишлар ўзининг ижобий самарасини беради.

етакчилар кенгаши раиси, Марказий кон бошқармаси, Шимолий кон бошқармаси, Жанубий кон бошқармаси, За-рафшон курилиш бошқарма-си, 5-кон бошқармаси, 1-Гидро-металлургия заводи ва Навоий машинасозлиги заводида бошлангич ташкилдан етак-чилари учун биттадан штат биллиги ажратилиди.

Шаларни техникага оид касбларга йўналтириш ишларини кучайтишини давнинг ўзи такозо этмоқда. Иккисидёт ривожи учун мазкур соҳага ихтисослашган кончи, меҳаник, дастурчи, маркшайдер каби мутахассисликлар бўйича ёш кадрларга этиёб бор. Бу кадрларни биз Навий давлат коннилик институтига тайёрламоддамиз. Бугунги кунда институтда 12 бакалавр ва 8 магистратура йўналишида мутахассислар тайёрланмоқда.

Институт 1995 йилда ташкил этилган бўлса-да, якин йилларгача унинг янги биносини куриш пайсалга солиб келинган, лаборатория базаси жуда ночор ахволда эди. Ўқув жаҳранинг эски биноларда олиб борилиларди. Биз ба масалани атрофлича ўрганиб чиқиб, биринчи навбатда, талабаларнинг институтда олган назарий билимни амалиётда кўллаши учун комбинат бўлинмаларида ихтисослик кафедралари филиалларини ташкил этишига киришади. Киска даврда Навоий машинасозлик заводи, 1-Гидрометаллургия заводи, 5-кон бошқармасида "Металлургия", "Технологик жаҳрёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш", "Технологик машина

Шавкат Мирзиёевнинг қарори билан 2017-2018 ўкуй илиидан Навоий давлат кончилик инсититутида 6 йўналиш бўйича маҳсус сиртқи бўлим очилди ва дастлабки қалдирғочлар — 90 нафар ёшларимиз талабалик баҳтига мусяссар будди.

Яна бир масалага алоҳида тұхталыб үтиши жоиз деңгелеман. Бир пайтлар комбинат эшигидан киролмаган маҳаллий ёшлар бугун комбинатнинг энг катта таянчи, сунянидир. Хозирға күнда комбинатда меҳнат киляёттани ишициларнинг 93 фоизига яқини, раҳбар кадрларнинг 90 фоиздан ортига ҳамда мутахассисларнинг 88 фоизини маҳаллий кадрлар ташкил этәйттани мамлакатимизда маҳаллий мұхандис кадрларни тайёрлаш борасида узоки ўйлаб олиб борилған сиёсат нағијасидир. Комбинатда фолият олиб бора-ёттани ишициларнинг үртана ёши 37 ёш бүліп, 30 ёшгача бұлған раҳбар да мутахассислар улуғынан 32 фоизге тікшір көлемде

ши 32 фоизга түрли мөлкөд. Эшлар мекнат фаолияти давомида юкори лавозимга күтарилиши учун барча имкониятни яратып бериш, күркмасдан раҳбарлик лавозимига таклиф этиш зарур. Негаки, Президенттимизнинг билим ва салоҳиятни ёш раҳбарларда тажриба етариғи бўлмаса, уларга ўзим ўргатаман, деган сўзлари бизга дастуриламал бўлиши керак. Замонавий фикрлайдиган ва шижаотли ёш раҳбарларни тарбиялаш, уларга тажриба ўргатиш, энг муҳими, ислогоҳтлар фалсафасини онгу шуурига сингдириш соҳа келадигани қандай бўлишини таъминлайдиган мумкин омиллар. Бугун комбинатда мекнат килаётган ҳар бир ёш, биринчи навбатда, амалга оширилаётган ислогоҳтлар юсак самаралар берисига ишонади. Шундай экан, бўлажак раҳбарларга нафакат замонавий техника ва технологияларни бошварлини ўргатиш, балки уларни одамлар билан мулоқот килиш, ишчиларга мекнат ва дам олиши учун муносаб шароит яратиш йўлида доимо қайтурадиган, қисқача айтганда, ҳалқ дарду ташвиши билан яхшидиган инсонларни килиб таъбиқидиганни зарур.

килиб тарбиялашмиз зарур.
Кувондик САНАКУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати
аъзоси, Навоий кон-
металлургия комбинати
бош директори,
Ўзбекистон Қаҳрамони.

Фаол ва изланувчан

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлиги бош директори М.Болтабоев ва бошқалар мамлакатимизда илм-фани ривожлантириш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва модернизация килиш, илгор технологияларни кенг татбиқ этиш, олимларниң меҳнати-ни муносиб рағбатлантириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Юртимизада илк бор ўтказилетган мазкур тадбир ҳам замонавий талабларга жавоб берадиган илмий-тадбирчиликоттарни күлләб-куватлашга, ёш илмий кадрларни бу жараёнга кенг жаһл этиш ва ююри натижаларга эришган олимларни рағбатлантириш-га хизмат киласы.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасининг фармойишига асосан,
АКШнинг «Clarivate Analytics» компани-

ОЛИМЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

ясининг "Web of Science" халқаро илмий-таҳлилжиз электрон маълумотлар базасига жорий йилингиз 1 юниодан мамлакатимиз ҳам обуна бўлди. «Clarivate Analytics» компанияси турли давлатларда йилингиз энг яхши фан етакчиларини аниқлаш максадида ташлов эълон қилиб, энг яхши натижаларга эришган, "Web of Science" халқаро базасига мақалалари киритилган олимпияларни рағбатлантириб келади.

Номзодлар мамлакатимиздаги ойлы таълим ва илмий мусассасаларда фаолият юритаётган олимлар хисобланади. Уларнинг илмий ишлари “Web of Science” халқаро илмий-таҳлилий электрон маълумотлар базасига кирган илмий нашрларда сўнгти 10 йил ичидаги илмий мақолаларнинг сони ва уларга келтирилган ҳаволалар асосида баҳоланди.

Такдирлаш маросимида биринчи, иккинчи ва учинчи ўрнини кўлга киритган олимлар маддий рағбатлантирилди. «Энг яхши аёл тадқиқотчи», «Энг яхши ёш олим», «Энг яхши илмий журнал», «Энг яхши олий таълим мусассаси», «Энг яхши илмий-тадқиқот мусассаси» номинациялари бўйича голиблар фаҳрий ёрлиқ ва кимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

Фанлар академиясынин Астрономия институты етакчи илмий ходими Ахмаджон Абдулжабборов астрономия сохаисида самарали фаолият юрита-ётган ёш изланувчан олимлардан бири. У астрофизика сохаисида нафасат мамлекатимиздаги, балки Германия, Чехия, АҚШ, Хитой сингари давлатларнинг нуғузли итимай мусассалаттар таддикти олимларды билан ҳам ҳамкорликда илмий изланишлар

олиб бормокда. Ёш олимнинг 40 дан ортик илмий мақолоси жаҳоннинг етакчи илмий журналларди чоп этилган. Олимнинг изланишари юкори баҳоланиб, бугунги тадбирида “Энг яхши ёш олим” номинациясида голиб, деб топилди.

— Бугунги тадбир ҳам юртимизда биз, ёшларни ҳар томонлама кўллаб-кувватлаш, ёшларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир на-

мұнасицир, — дейді А.Абдужабборов. — Бизга яратылған چексіз имконияттар нафакат мамлакатимизда, балқи бутын дүнёда имлий салохияттынан намоён этишиմизга замин яратмок-да. Бизга билдирилған ишончны оқлағ, келажақда астрофизика соxa-си бүйіча аждадорларымызға мұносиб изодш бўлишига харакат қиласми.

Гүзәл САТТОРОВА,
ҮзА мухбири

Ўзбекистоннинг бебаҳо маънавият хазинаси дунё жамоатчилиги эътиборида

Пойтахтимизда 28 ноябрь куни «Замонлар чорраҳаси: ўтмишнинг буюк мероси — маърифатли келажак пойдевори» мавзууда ҳалқаро медиа-форум бошланди.

Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигига, Ўзбекистон Фанлар академияси, ЮНЕСКО ҳамда Конрад Аденauer номидаги жамгарманинг (Германия) мамлакатимиздаги ва колатхоналари ҳамкорлигига ташкил этилган ҳалқаро анжуманда сенаторлар, депутатлар, вазирлар, ва идоралар раҳбарлари, дунёдаги етакчи музей, кутубхона, имлй институтлар, ҳалқаро ташкилотлар вакиллари, олимлар ва эксперталар иштирок этмоқда.

Ўзбекистон заминидан этишиб чиқкан буюк алломалар инсоний тамаддунига улкан хисса кўшгани тарихдан маълум. Улар яратган нодир асарлар бугун ҳам маънавий ҳаётимизнинг асоси, фундаментал тадқиқотлар ва имлй изланишлар учун манба бўлиб хизмат килимокда.

Медиа-форумнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Олий Маъжлиси Сенати раисининг биринчи ўринbosari C.Сафоев, маданият вазирини ўринbosari K.Оқилова, Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президентини B.Абдухалимов, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бошқарувчи раиси F.Абдухалимов, ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбарни вазифасини баҳарувчи D.Бадарч мамлакатимиздаги тарихий-маданий меросини ҳар томонлама чукур ўрганишга алоҳиди аҳамият қартилаётганини таъвидлади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан буюк алломаларимизнинг имлй-маънавий меросини асрар-авайлаш ва чукур ўрганиш бора-

сида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бунда давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 24 майдаги «Қадими ёзма манбаларни саклаш, тадқиқ ва тарғиб килиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирларни тўғрисидаги қарори дастурламал бўлмоқда.

Ўзбекистоннинг бой маданий меросига оид нобб манбалар дунёдаги кўллаб музейлар, имлй-тадқиқот институтлари, галереялар ва архив фонdlariда сакланмоқда. Уларни излаб топиш ва ҳалқимизга етказиши мақсадида «Ўзбекистон маданий мероси» медиа-лойҳаси доирасида саломли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳалқаро форум доирасида лойҳанинг «Шарқ ёзма ёдгорликлари дурданалари» номли янги туркumни тақдимoti ўтказилди.

Россия Фанлар академиясининг Шарқ кўлъемалари инститuti ва Франция миллий кутубхонасида сакланётган «Катта Лангир Куръони», «Мъерожнома», «Темур тузуклари», «Девони Ҳусайн Бойқаро», «Равзатус-Сафо» (Поклик бояги) кўлъемаларининг факсимиле нусхалари Ўзбекистонга топширилиш тадбирнинг мухим воqeasi бўлди. Ушбу нусхалар кўлъемаларининг аслига жуда яқин, олтин қорламали қозоғда битилган.

— Ушбу асарлар Шарқ уйғониши даврининг бебаҳо науманаларидир, — дейди Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Яхон Беруний номидаги Шарқшунослик инститuti имлий ходими Комилхон Рахимов. — «Катта Лангир Куръони» VIII аср охирларида куйғи-хижоий таҳтида битилган, дунёға машҳур «Усмон Мұсҳафи»нинг нодир нусхаларидан. Темурийлар суполаси вакили

Хусайн Бойқаро қаламига мансуб «Девони Ҳусайн Бойқаро» нафис миниатюрапал билан безатилган. Тарихи Мирхондинг «Равзатус-Сафо» асарида пайамбарлар, Шарқда ҳукмронлик килган суполалар тарихи хикоя килинади. Ушбу лойиха Президентимизнинг нобб тарихий-маданий меросимизнинг манналарини Ватанимизга қайтириш борасидаги хайрли ташаббуслари доирасида амалга оширилаётгани кувонарли.

Шу йил май ойидаги «Ўзбекистон маданий мероси — ҳалқлар да давлатлар ўтасидаги мулокотта йўл» мавзуудаги ҳалқаро имлй-маданий конгрессда «Ўзбекистон маданий мероси дунё тўпламларидаги лойҳасининг ил такдимoti ўтказилган эди.

Анжуманда ўшбу туркumга киравчи навбатдаги бешта китоб-альбом тақдимoti бўлбай ўтди. Мазкур тўпламлар ўзбекистоннинг бой маданий мероси дурданалари ҳақида хикоя қўлади. Хусусан, VI жилд Россиянинг M.Глинка номидаги музейди сакланётган юртимизнинг нобб мусики асабоблари ва нота ёзувларига багишланган бўлса, VII жилд Россия Фанлар академияси Шарқ кўлъемалари инститuti ёзма мероси тўпламларидан жой олган қимматбахо ёдгорликларимизга оид маълумотларни тақдим этиди. Санкт-Петербургдаги Давлат Эрмитажи, Давлат тарихи ҳамда Бутунrossия амалий безак ва ҳалқ санъати музейларидаги ҳалқимиз маданияти ва тарихи билан боғлиқ экспонатлар тўпламнинг VII ва X жилларидан ўрин эталаган. И.Савицкий номидаги Кораллопистон сакланётган юртимизнинг маданий меросга багишланган альбом (IX жилд) илк бор чоғ этилди. Китоб Түркистон авангандарининг нобб асарларни ҳақида гувоҳлик беради.

Тадбирда ўшбу тўпламлар 49 мам-лакатдан келган 136 музей ва кутубхона вакилларига топширилди.

АКШнинг Hofstra университети профессори А.Наймархининг кайди этишича, мазкур ирик медиа-лойҳаи Ўзбекистон маданий меросини дунёга кенг ёйиш, ҳалқаро маданий алоқаларни янада мустаҳкамлаша хизмат қўлади. Шу маънода, лойиха қарорларини янада кенгайтириш, янги нашрлар тайёрлаш устидаги ҳамкорликни давом этишиш зарур.

Тадбирда 2018 йилда чол этилиши режалаштирилган китоб-альбомлар ва фильmlар ҳақида ҳам маълумот берилди. Китоблар Ўзбекистон, Буюк Британия, Россия, Франция, Туркия ва Япониядаги фондларда сакланётган, юртимизнинг нодир осори-атикларига багишланади.

Медиа-форумнинг биринчи кунида ўзбекистон худудида турли маданиятилар ва бадий анъаналар, жаҳон колекцияларидаги ҳақида санъати каби мавзуларда маъруслар тингланади. Япониялик олимларнинг музей экспонатлари ёшини аниқлаш бўйича янги технологиялар ҳақидаги тақдимoti иштирокчиларда қизиқиши ўфтоди.

Россиянинг «Культура» телеканали томонидан тақдим этилган «Ўзбекистон: қашш итилган синоатлар» ҳужжатли фильмни қатнашчиларда катта тасасурт қолдириди. Ўтган асрнинг 20-йилларидаги мамлакатимиздаги ёзб олинган нобб аудио ёзувлар или бор эшиттирилди. Улар Россия Фанлар академиясининг Санкт-Петербург шаҳри Рус адабиёт институти (Лушкин уйи) фондларида саклаб келинмоқда.

Санъат усталарни томонидан ижро этилган куй-кўшиклар, фольклор намуналари тадбирга кўтарини руҳда ўтказиладиган талаблар билан яқиндан танишди.

Улугбек ШОНАЗАРОВ,
ЎзА мухбири

«Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси» аниқланди

Республика Болалар кутубхонасида «Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси» кўрик-тандловининг ҳалқ таълими тизими бўйича якуний боскичи бўлиб ўтди. Инда Кораллопистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичида голибликни кўлга кириптган 14 нафар маънавият тарғиботчиси ўз билим ва маҳоратини намоиш этди.

Хар бир мутахассиснинг чиқиши ўзига хос. Тақдим этилган ишлар — лавҳа, фотосурат ва рақамлар мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги амалга оширилаётгани маънавий-маърифий ишлар самарадорлиги ўйлидаги мухим одимлардан далолат беради.

— Бугунги кунда авҳ олайтган маънавий таҳдидларнинг ечими — оиласида. Кадимдан оиласда тоннинг ўрини бекиёс бўлган. Шунинг учун мактабимизда «Оталар мактаби» лойихасини ишлаб чиқидик. Ушбу лойиханинг бугун республика бўйлаб тарғиб килмоқимиз, — дейди Зарабонн шаҳридаги 2-мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўрин-

босари Шахноза Тўрабоева.

Танлов якунига кўра, 1-йиринни Денов туманидаги 75-мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Шерзодбек Суонов, 2-йиринни самарқандлик Ситора Зафарова ҳамда чинолиги Зарифа Норбекова кўлга кириди. Шофиқор туманидаги 49-мактабнинг миллий истиқлолгоғиёси ва маънавият асослари фани ўқитувчи Мухтаров Сатторова учини ўрини муносиб топилди.

Голиб ва сорвирнодларга Ҳалқ таълими вазирлигининг маҳсус диплом ва совфалари топширилди.

Назокат ХОЛМЕТОВА,
«Ma'rifat» мухбири

Ҳалқ таълими вазирлиги томонидан «Баркамол авлод» республика болалар ижодиёт марказида меҳнат ярмаркаси ташкил этилди. Иккى кун давом этган тадбирда Тошкент шаҳри ва вилоятидаги барча «Баркамол авлод» болалар марказлари ва ахборот-ресурс марказлари мавжуд 230 дан ортиқ бўйиш ўринлари билан қатнашди. Иштирокчилар директор, директор ўринбосари, услубчи, тўғарак раҳбар, библиограф, маркетолог, кутубхоначига каби вазифалар ва уларга кўйиладиган талаблар билан яқиндан танишди.

«Баркамол авлод»га малзами ходимлар керак!

— Вилоятимиздаги барча «Баркамол авлод» болалар марказлари 49 бўйиш ўрин билан иштирок этиди. Тадбирда 33 нафар мутахассис билан меҳнат шартномаси имзоланди, — дейди Тошкент вилояти «Баркамол авлод» болалар маркази директори Музаффар Тўлаганов. — Бугунги ярмарка фаoliyati тарғиботчиликни юнандаги жонлантиришга хисса кўшиши шубҳасиз. Кадрлар итишаслиги туфайли айрим тўғараклар фаoliyati етарлича йўлга кўйилмаганди. Масалан, техники ўйналишдаги кино-фото жаҳонро тўғараги раҳбарлигига анчадан бери мутахассис излаётган эдик. Бу-

гунги ярмаркада ихтисослиги кино ва фото меҳаниги бўлган Олмазор Туманида яшовчи Рустам Талабоев билан меҳнат шартномасини имзолади.

Ўқувчиликни буш вақтини самарали яхши кийиши ўтказиб беради. Иштирокчиларни қатнашчиларда қўлбилиятни юқори. Айни шу маъсадга хизмат ўтказиладиган «Баркамол авлод» болалар марказларини кадрлар билан тўлдириш куннинг долзарб вазифаларидандир. Бундай ярмаркалар жойларда ҳам ташкил этилмоқда.

Аброр УМАРКУЛОВ,
«Ma'rifat» мухбири

«Бирга китоб ўқийлик»

Пойтахтимиздаги «Болажон» номли маданияти ва истироҳат бодиги «Бирга китоб ўқийлик» деб номланган акция ўтказили.

Ўзбекистон ўшлар итифоо, Матбуот ва ахборот агентлиги, Республика маънавияти ва маърифат маркази, «Интеллект» китобхон ўшлар гурухи ҳамкорлигидаги ўтказилган тадбирда таниши санъаткорлар ҳамда таълим мусассасаларида таҳсил олаётган ўқувчилар, талабалар иштироқ этиди.

— Китобга, мутолаага бўлаётган юксак зътибор сараси ўларок, бугун китобхон ўшлар сафи кенгайиб бормоқда. Бундай ўшларнинг кўпалиши юртимизнинг ҳар жihatдан таракқий этишига хисса кўшади. Айниска, машҳур санъаткорларнинг ўшлар билан бирга китоб ўқиси ўқувчи таълимларнинг мутолаага бўлган қизиқиши ошишига хизмат килди, — дейди «Интеллект» китобхон ўшлар гурухи фаоли Илёс Сафаров. — Гурухимизнинг ташаббусини кўллаб-куватлабланган учун ҳамкор ташкилотларга миннадорлик билдирамиз.

Кўллаб китобхон ўшларни бирлаштириган мазкур акция доирасида қизиқирик викторина йўйинлари, турли савол-жавоблар ҳам ўтказилди. Голибликни кўлга киригганлар қизиқирик бадийий китоблар билан тадбирланди.

Чарос БИЛОЛОВА,
ЎзДЖТУ талабаси

Китобхонлик ойлиги

Биринчи Президентимиз асарларини кенг ўрганиши маъсадидаги маҳаллалар, олий ўқув юртлари, ўрта маҳсус, умумий ўрта таълим мусассасаларидаги «Ислом Каримов асарлари билимдомон» мавзусида китобхонлик ойлиги ўтказилмоқда. Жумладан, Шайхонтохур туманидаги 167-умумий ўрта таълим мактабидаги ҳам мазкур китобхонлик ойлиги кўтарини руҳда ўтказилмоқда.

Ноябр ойи бошида китобхонлар салоҳиятини анила бўйича синфлар кесимида «Ислом Каримов асарлари билимдомон» викторинаси ўтказилди. Инда 8-10-сinf ўқувчилари беллашди ва якунда 9-«А» синф ўқувчилари гулиб чиқиди.

Ойлик давомида мактаб ўқувчилари томонидан Биринчи Президентимиз хайтията фаoliyatiга багишланган деворий газеталар тайёрланди, 7-10-сinf ўқувчиларининг Ўзбекистон тарихи давлат музейига саёҳати ўтказилди. Китобхонлик ойлиги давомида фаноғати катшаган ўқувчилар мактаб маъмурлиги томонидан тадбирланди. Ойликни мазмунни ва режа асосида олий боришида тарих фани ўқитувчи М.Турсунхўжаева, мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари М.Камариддинова фаоллик кўрсатилиши.

Р.АХМАТОВА,
ўқитувчи

Сув — ҳаёт манбаи

«Сув — ҳаёт манба» шиори остида анъанавий равиҷида ўтказиб келинётган «Болалар ва сув» экофестивалининг республика босқичи бўлиб ўтди.

Экофестивалда республикамиздаги «Баркамол авлод» болалар марказларини ўлқашунослик ва экология йўналишидаги тўғракларининг 70 нафар азоси иштирок этиди. Тадбир доирасида болаларнинг ишлар кўргазмаси ҳам намоиш этилди.

— Болаларда табиати неъматларига зътиборли бўлиш туйғусини шаклантариши билан, педагогларнинг вазифаларини ҳисобга олган ҳолда, ҳар йили ушбу экофестивларни ўтказамиз. Қуонарлиси, ҳар йили ўқувчилар ишида янги гоялар ва амалий тақлифлар кузатилиши. Бу эса сайд-ҳаракатимиз бехуда кетмаётгани, болалар қалбидаги табиатга меҳр-муҳабат ўтказиладигандалолат беради, — дейди «Баркамол авлод» республика болалар ўлқашунослик ва экология маркази директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Хайридин Бироров.

Фестивалда 1-йиринни Бухоро шаҳри «Баркамол авлод» болалар марказининг «Оби ҳаёт мавжлари» жамоаси кўлга кириди.

Асолат АХМАДКУЛОВА,
«Ma'rifat» мухбири

2017-yil 29-noyabr, № 95 (9056)

Сабабсиз дарс қолдираётган ўқувчи

фаол таълим жараёнига қайтарилилмоқда

Үкүвчи дарсда шиширок этмаяптыми, демак, фанларни ўзлаштириша тенедошларидан ортда қолмоқда. Бунинг устига, тарбияси ало-худа эътибор талаб қыладиган, турли жиноят күчаларига кириб қола-ётган воягя етмаган ёшларга хос умумий белгилардан бирни ҳам дарсда қатнашишига хошининг йўқлигидир. Бундай болаларга эътибор ва меҳр кўрсатиш, уларни фаол таълим жараёнига қайтариш, соғлом мухитда воягя етказиш, таълим муассасаларида ўқувчилар давоматини ошириш мақсадида “Давомат-рейд” тадбирларни ўтказилмоқда. Сабабиз дарс қолдираётган ўқувчилар билан мактаб, маҳалла ҳам корлигига ши олиб борилмоқда, масала ота-оналар, ўқитувчи ва ўқувчилар шиширокида муҳокама этилмоқда.

"Давомат-рейд" тадбири Чилонзор туманинаги 128-мактабда ҳам ўтказилияпти.

— Байзда арзимаган сабаблар ҳам боланинг мунтазам дарс қолдиришига олиб келади, — дейди 128-мактабнинг 6-“А” синф раҳбари Наргиза Мұхаммадиева. — Аммо муаммони вактида ўрганиб, бартараф эт масанғиз, дарсдан ўқувчининг күнгли бутунлай совиши, таълимий мухитдан четта чиқиб қолиши хеч гап эмас. “Давоматтеги” таддигида шу жиҳатларга эътибор қаратапмиз. Мисол учун, ўқишига иштиёқи баланд Бехруз Исломов сабабисиз дарс қолдира бошлилади. Ўқувчининг уйига бориб, отонаси, бувиси билан сұхбатлаштым. Маълум бўлишибича, уларнинг уйи мактабдан узокроқда жойлашгани учун Бехрузни бувиси мактабга олиб келаркан. Аммо буви бетоб бўлиб қолгани учун болани мактабга ёлғиз жўнатишмаган. Натижада Бехруз сабабисиз дарс қолдира бошлиган. Оиласа бошликлиари билан масалага ечим топдик. Айни дамда Бехруз яна дарсларда фаол иштироқ этмоқда.

Мактаб директори Самадулло Махмадиевнинг айтишича, муассасада 8 кишидан иборат жамоат кенгаши тузилиб, давоматни тъзминлашга масъул этиб тайинланган.

— Тазим масканимизда ўкувчилар давоматини кузатиб бориш учун синф раҳбарлари алоҳида дафтар юритади, — дейди мактаб директори.
— Ҳар куни биринчи соатдаги йўклима килиниб, дарсда иштирок этмаётган ўкувчилар аниқланади ва сабаби қайд этилади. Пайшанба куни кенгаш кўмагига «Ёшлар тарбияси» — порлоқ келажа, мавеси мавзусида тадбир ўтиказилиб, отоналарнинг фарзанд тарбиясига масъуллиги, бурч ва мажбуриятни тушишни дебди.

шунтирилади.

Ўқув йилининг биринчи чорагида 182 ўқувчи сабабли, 40 нафари сабабсиз дарс қолдирган. Сурункали дарс қолдирувчиларнинг ота-онаси билан синф раҳбарни ҳамда ички ишлар ходимлари тушунтириш ишлари олиб борди. Натижада сентябрь, октябрь, ноябрь ойларида давомат 94 физони ташкил этди. Бу кўрсаткич ўтган ўқув йилининг биринчи чорагига нисбатан 3-4 физони кўп деганидир.

Мактаб директорининг маънавий-
маърифий ишлар бўйича ўринбоса-
ри Мерхиноз Одинаевнинг айтиши-
ча, кўп дарс колдирадиган, хукукуб-
зарлики мойил ўқувчилар 12 та фан-
ва 5 та спорт тўғарагидан бирига
жалб этилади. Дарсдан қочиб, да-
воматни ортга тортаётган иккиси
ўқувчи жорий ийл бошида туман-
ички ишлар бошқармасининг воязига
етмагланлар рўйхатига кирилтилган-
эди. Улар кизикишига кўра, футбол

ва волейбол тұғаралларига бириктирилди. Ҳозир уларнинг ахлоқи ижобий томонға үзгариб, дарсларда мунтазам иштирок етады, жаомат ишиларда фаол қатнашады.

Айни пайтада Чилонзор туманиндағы барча мактабларда ҳар куни тонг-ги рейд үтказылымықта. Мунтазам дарс колдираїтганлар аниқланибі, мыаммо мактаб маырмұры билан ҳамкорлықда ҳал қилиніпти. Бу ҳақда туман ички ишлар бошқармасынин вояға етмаганлар билан ишлаш бүйічка инспектори Бобомурод Абдуллаев шундай деді:

— Ота-она назорат қылмаса, боладарс қолдиришга одатланади. Шундай вазиятда ички ишлар ходими. Ёшлар иттиғоқи бошланғич ташкилоти сардорлари, маҳалла фаоллары ҳамда таълим мұассасаси мутасаддиларидан иборат гурух үкүвчи билан индивидуал ишлайди. Дар ол қолдириш сабаблари үрганилади. Бола билан дүстона сұхбат үтказлади. Үкүвчи рухияты үрганилиб, муаммога ечим топилиади. Мисол учун яқында үтказилған рейдда бир во-кеага гуво блүдик оиласа ота-она тарбияға отерди, вакт азметтегизде

тарбияга етарили вакт ахратмагани сабабли ўкувчи назоратсиз қолған. Оқибатда бир хафтада 30 соат сабабсиз дарс қолдирған. Уйига борганимизда оиласда низоли мұхиттің борлиғы аниқланды. Муаммони ойларынан хисобтта кирипти, оила катташып билан тушунтириш ишлары олиб бордик. Бу ишга маҳалла фамилләрди жалб этилди. Тушунтириш ишларыдан сүйгө ота-она Фарзандтар барынан тарбиясига жиҳдий эътибор қаратада бошлады.

пайшанба — "Профилактика куни" доирасида ўкувчиларнинг давомати- низорат килиш буйича тадбир- лар ташкил этилмоқда. Мунтазам са- ббисиз дарс колдирган ўкувчилар профилактика инспекторлари рўйха- тига олиннганти.

— Туманимизда 32 та мактаб мавжуд, — дейди туман ХТБ мутахассиси Жамила Абдиева. — Ҳар бир тайлим муассасасининг давомат бўйича мониторинг натижалари ой сўнгидага эълон қилинади. Биринчи чорак якунига кўра кўрсаткичи паст мактаб ўқувчиларининг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, давомат, тартиб-интизомни яхшилаш, вояга етмаганлар ўртасида хуқуқбузарлик ва жинончиликнинг оддина олиш мақсадида кўплаб тадбирлар ташкил этилди. Ўқувчиларнинг дарсдағи иштироки тўлиқ таъминланмаётгани, айрим ота-онарларнинг фарзандига бефарқлиги, жинончиликнинг оддина олишда жамоатчиликни роли талаб даражасида эмаслиги

танқид қилинди. Ўғил-қизлари мактабга келмаётган ота-оналар билан алохидә сұхбат үтказилди.

Эътиборлиси, туманда яна бир анъана йўлга қўйилди: давомати юқори мактабларнинг тажрибасини ўрганиш ва оммалаштириш мақсадида семинарлар ташкил этилмокда.

— Ўглим компьютер ўйинларига кициб, уй вазифаларига кам вақт ажратадайтганини сездим, — дейди Севара Ахмедова. — Уйда компьютер ўйнашига чек кўйдик. Лекин “Ёшлар тарбияси — порлоқ келажак мева-си” тадбирида иштирок этганимда ўглим ўйинни компьютер клубида давом эттираётганини, дарсдан ҳам эрта кетиб колаётганини айтишди. Тадбирга таклиф этилган психологиянгил-қизлар-нинг мактабга келиб-кетиши, дарсдаги иштиро-рокини назорат килиш бўйича амалий таклиф-лар берди. Шу асосда иш олиб бориб, яхши натижага эришдим. Ўглим энди нафақат дарсда фаол қатнашмоқ-да, балки дарсдан кейин фан тўгаракларига боряпти.

Қашқадарे вилоятидаги таълим муассасаларида ҳам "Давомат-рейд" табдирларининг самарадорлигини оширишга катта зътибор қаратилияпти. Мактабларга 7 номдаги тавсия, 9-синф ўкувчиларига мўлжалланган "Шаркона тарбия" номли қўлланма, ўкувчи қизлар ўртасида sogлom турмуш тарзини таргиф килишга қаратилган "Орасат киз ёндафарчаси" номли методик қўлланмана етказиб берилди. "Энг фаол ўкувчи" ва "Энг фаол синф" номинациялари жорий этилиб, гониблар рагбатлантирилмоқда. Умумтаълим мактаблари ва маҳаллаларда "Китобхонлик ҳафталиги"-ни ўтказиш ҳам йўлга қўйилди.

